# ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги олдидан ташкил этилган агитбригада аъзоларидан бир группаси ўз сафарини Навоий областининг олис чорвадор районларидан бошлади. Группага Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Пиримқул Қодиров раҳбарлик қилмоқда. Унинг составида медицина фанлари доктори О. Аброров, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Исмоилов, лектор А. Веинов, Ўзбекистон ССР давлат филармониясининг солист ва раққосалари бор.

Агитбригада даставвал Томди район чорвадорлари ҳузурида бўлди. «Жану шаруа», «Қизилқум» совхозлари, район марказида яшовчи меҳнаткашлар билан сермазмун учрашувлар бўлиб ўтди. Агитбригада аъзолари Қизилқум қаҳрамонларига партиямизнинг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми материаллари ҳақида гапириб бердилар, республикамиз меҳнаткашларининг бунёдкорлик меҳнати, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги улкан ютуқлари ҳақида ҳикоя қилдилар. Санъаткорларнинг Ватан, партия ва меҳнатни шарафловчи жозибали қўшиқ ва рақслари ҳам кишиларда катта таассурот қолдирди.

Бригада аъзолари чўпонлар ҳаёти билан ҳам яқиндан танишмоқдалар. Ана шундай учрашувларнинг бири «Қизилқум» совхозининг Абдулла Ўтаганов бошлиқ отарида бўлди. Меҳмонлар донгдор чўпоннинг меҳнат фаолияти, яшаш шароити билан танишдилар. Бош чўпон турмуш ўртоғи Даметген Раҳметова билан бирга социалистик мусобақада пешқадамлик қилибгина қолмай, маданий турмуш кечиришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Агитбригада сафарини давом эттирмоқда.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**





**Пахта тозалаш саноати корхоналари 1984 йилги пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш учун тараддуд кўришмоқда. Яқинда Пискент пахта заводи тайёргарлигини кўздан кечирган комиссия унга аъло баҳо берди.**

**Суратларда: 1. Завод пахта тозалаш цехи участкаларидан бирида. 2. Пахта тайёрлаш пунктидаги шай ҳолга келтирилган механизациялаш воситаларини кўриб турибсиз.**

**В. Сироткин фотолари.**

## *«Совет Ўзбекистони» конкурсига*

# КЎНГИЛ ДАФТАРИ

ОЧЕРК

УНИНГ иш куни цехлардан бошланади. Аввал тайёрлов, сўнгра бичиқчилик цехига ўтади. Кейин асосий участка — тикувчилар ҳузурига ошиқади. Чеварлар бажараётган ишларни кўради, баъзиларини ўйлантирган саволларга жавоб қайтаради. Тунги сменанинг якуни билан қизиқади, мастерлар олдида пайдо бўлган муаммоларни суриштиради, бартараф этиш йўлларини маслаҳатлашгач кабинетига киради.

Ҳар куни шу. Ҳар куни янги режа-фикр; фабрика ва ишчиларнинг истиқболига доир янги вазифалар пайдо бўлади. У бундан хурсанд. Уларни амалга ошириш пайига тушади, тегишли кишиларни тўплаб кенгашади.

Мастура Алижоновна ҳар сафар цех айланиб, қиз-жувонлар билан мулоқотда бўлиб, бир нарсага эътибор бермаганига хижолат тортди. У ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, план ва бошқа хусусда жон койитибди-ю, кечаги ишчи нега бугун кўринмай қолганга аҳамият қилмабди. Навбатдаги «айланиш»да конвейернинг бир жойида чала тикилган кийимлар қалашиб ётгани сабабини суриштирди-ю, раҳбар сифатида назаридан қочган энг муҳим нарсани пайқаганидан севиниб кетди. Уч минг кишилик коллективда кун ора у ёки бу ишчи бетоблигидан, болаларини ясли ва боғчага жойлай олмаганидан ишга чиқмай қолишга мажбур бўлади. Мана, бугун ҳам конвейерда бир тикувчининг ишга чиқмаганлиги боис... Ҳа демай, ўша ишчи ўрнига мастер, ҳатто цех бошлиғи ўтириб ишлашига тўғри келади. Ахир, конвейерни тўхтатиш мумкин эмас-ку.

Директор ўша тикувчининг қандай касаллик билан оғриётганини суриштирди-ю, хаёлига келган бир фикрдан қалбида нур ўйнагандай бўлди. Унинг кўз олдига шундоқ фабриканинг биқинида қад ростлаган, фойдаланишга топширилиш арафасида турган тўрт қаватли ётоқхона биноси гавдаланди. У шошилиб хонасига кирдида, деразасига рўпара ўша иморатга қаради. Узоқ ўйга толди. «Шу бинонинг биринчи қавати... Маъқуллашса керак. Ажойиб иш бўлармиди. Андижон шаҳрида ҳали ҳеч ким ўйламаган янгиликлигини айтмайсизми?»

Шу пайт хона эшиги очилиб, остонада партия комитетининг секретари Л. Хохлова пайдо бўлди.

— Мумкинми? — дея у ичкарига йўналди ва дераза қаршисида тик турган директорни кўриб, унинг ёнига борди.

— Салом, Людмила Николаевна, — деди директор. — Жуда вақтида ташриф буюрдингиз. Маслаҳатлашадиган иш чиқиб қолди. — У жойига келиб ўтирди-да, телефонда бош инженер, касаба союз комитетининг раисини хонасига таклиф қилди.

Ҳамма тўплангач, дилидаги фикрини тўкиб сола бошлади.

— Фабрикамизда асосан аёллар ишлайди. Улар эркаклардан нозик ва пўлатдан мустаҳкамлигини яхши биламиз., — деди кулиб.— Хуллас, гапнинг лўндаси: улар учун физиотерапевтик профилакторий очсак, хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда қўлинг ўргилсин иш бўларди.

— Яна қурилиш қилиш керакдир, — луқма ташлади бош инженер Козимжон Абдиев.

— Керак бўлса, қурамиз. Аммо бинони қурдириб қўйдик.— Ўтирганлар бир-бирига маъноли қарашиб, сўнгра мийиғида жилмайиб ўтирган Мастура Алижоновнага юзланишди.

— Мана, фабриканинг ўзида қурилди, мен айтган бино. Тўрт қаватли ётоқхонани эрта-индин фойдаланишга қабул қиламиз. Ётоқхонага муҳтожларни ҳисоблатиб чиқсам, уч қаватдаги хоналар етиб ошар экан. Шунинг учун унинг биринчи қаватини профилакторий қилсак.

Хонада тўпланганлар, «ҳа-я, айни муддао бўлардй», дейишди.

— Сиз, Раҳимахон, — деди директор касаба союз ташкилотининг раисига. — Облсовпроф билан, мен шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими билан гаплашайлик. Маблағ бор. Айтганларини муҳайё қиламиз.

Коллектив манфаатини, эл манфаатини ўйлаб қилинган ҳаракат ҳамманинг олқишига учрайди. Мастура Алижоновна ва унинг атрофига уюшган активларнинг ташаббусини шаҳар партия комитети қўллаб-қувватлади. Ёрдам керак бўлса доим тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Тўғри, ётоқхона муддатидан олдин фойдаланишга топширилмади, бироқ унинг ишга тушиши бутун фабрика ишчилари учун байрам бўлди. Мана энди, тикувчилар ишдан бўш вақтларида профилакторийда зарур тиббий ёрдам оладилар. Унинг шарофати билан у ёки бу хасталикларнинг олди олинмоқда.

МАСТУРА Маткаримова одатдагидек цех айланиб юрибди. Унинг нигоҳи кийим-кечакларни чаққон тикаётган ишчиларда. Конвейер бир меъёрда айланиб турибди. Қиз-жувонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Цех бошлиғининг ёнидаги бола кўтарган аёлга кўзи тушди. У худди фавқулодда ҳодисанинг устидан чиқиб қолгандай жувон ёнига шошилди. Жувон директорни кўриб хижолат бўлди.

— Болам кичкина, қарагани ҳеч ким йўқ, — деди у қўлидаги бир парча қоғозни цех бошлиғи Зулфия Тожибоевага узатаркан.

Мастура Алижоновна жувонга қаради.

— Яслига берсак-чи? Ишлайверасизми?

— Қанийди? Яслига жойлаштириш қийин эмиш?

— Тўғри, бошқа корхоналарда мушкулдир. Аммо бизда бу масала муаммо эмас, синглим. Болалар комбинати ишлаб турибди. Шундоқ ишхонамизнинг рўпарасида. Аризани ёзинг, ўзим қўл қўйиб бераман. Қизиқ, битта фабриканинг учта боғча-яслиси бўлса-ю, сизлар бола кўтариб юрсанглар.

Директор шароит тақозоси билан ишдан бўшаётган жувонга қувонч ҳадя этганидан қувонарди. Аслида ҳам шундай. Ўзгаларни бахтиёр қилсанг, ўзингни бахтли ҳисоблаш маъқул эмасми?

У қаватма-қават кўтарилар экан, йўлакда бош инженер К. Абдиевни учратиб қолди.

— Мутахассисларни огоҳлантириб юрибман — кечқурунги тадбирга, — деди у.

Мастура Алижоновна ҳайрон бўлди. Қанақа тадбир. Тўй ёки бирор кишининг туғилган куни бормиди? Бош инженер техника назорати бўлимига кириб кетди-ю, директор «тадбир»га тушуниб етди: «Ахир, бугун жума куни-ку, ишдан сўнг инженерлик соати ўтказмоқчи эдик».

Аслида инженерлик соати деган термин Мастура Алижоновна директор бўлиб ишга келгандан кейин пайдо бўлди. Янги келган кунлари маҳсулот сифатининг пастлигидан келаётган эътирозларнинг сони кўпайиб кетди. Ўшанда ишдан кейин новатор тикувчилар ва мутахассисларнинг бир группаси билан цехларни айланишди. Шу куни ҳар бир жараён обдон ўрганилди, ишчилар билан суҳбат қурилди. Пировардида, маҳсулот сифатини яхшилаш учун икки игнали янги машина жиҳозлардан фойдаланиш қулай экан, деган хулоса туғилди. Бундай машиналар Россия Федерацияси ва Тошкент тикувчилик фабрикаларида қўлланилаётганлиги, катта самаралар бераётганлиги, ўшандай машиналар ёрдамида тикилган чоклар пухта ва бежиримлиги айтилди.

Бош механик М. Теслерга ўшандай машиналарни ўрганиш ва ўзлаштириш вазифаси топширилди. М. Теслерга чок тикувчи машиналар билан бирга материал қирғоқларини бежовчи, кийимларни дазмоллаш ўрнига прессловчи дастгоҳларни ўрнатиш ҳам зарур, деган таклифни илгари сурди. Унинчи беш йиллик давомида 334 та, 1981-83 йилларда 190 та ана шундай машиналар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Янги дастгоҳлар қўл меҳнатини камайтириш имконини берди. 160 минг сўм иқтисодий фойда келтирди.

Ўшанда директор бундай «юриш»ларни ҳафтада бир марта ташкил этишни одат тусига киритиш керак деган қатъий фикрга келди. Ўз фикрини фабрика бўйича чиқарилган буйруқ билан мустаҳкамлади. Энди инженерлик соати мунтазам ўтказилмоқда. У ишлаб чиқариш тараққиётининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатувчи восита сифатида юксак қадрланмоқда.

Ҳозир бош инженер бугунги тадбирдан огоҳ этгани яхши бўлди. Мутахассислар билан бир нарса ҳақида маслаҳатлашмоқчи. Бу маслаҳатни ўша иш устида айтгани, исботлагани маъқул. Шу куни Мастура Маткаримова фабриканинг активларига айтадиган ўйини обдон пишитди, ўзича ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Бу орада нархи арзонлаштирилган моллар сотиладиган магазинга бориб келди. Биринчи смена ишчилари ва идора ходимлари тарқагандан кейин хонасидан чиқди. Козимжон Абдиевнинг ҳузурида ҳамма — бош инженер ўринбосари Г. Поветко, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Т. Челюкова, партком секретари Л. Хохлова, техника назорати бўлими бошлиғи М. Юсупова, касаба союз комитетининг раиси Р. Умрзоқовалар тўпланиб, инженерлик соатига тайёр бўлиб туришарди.

— Бугун юришни лахтаклар тўпланадиган жойдан бошлаймиз, — деди директор.

— Инженерлик соатининг лахтакларга нима алоқаси бор? — луқма ташлади аллаким. Кимдир кулгандай бўлди. Лекин директор индамай тўпланганларни эргаштириб, ҳовлидаги бостирма остида боғлам қилиб қўйилган чиқиндилар томон бошлади. У шапалоқдек келадиган қийқимни қўлига олди.

— Биз лахтакларни магазинга чиқариб сотишни йўлга қўйдик. Яхши. Аммо нархи арзонлашган ҳолда сотяпмиз. Барибир, корхонага фойда. Бироқ шу шапалоқдек матодан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарсак, қандоқ бўларкин.

— Қанақа кенг истеъмол буюм тайёрлаш мумкин?

Мастура Алижоновна бу гапни айтган кимлиги билан қизиқмади, унинг юзига боқмади ҳам. Аксинча, бир боғлам лахтакни ечтириб, унинг орасидан ҳатто чорсидек келадиган бўлакларни топди.

— Кичкинтойлар учун шортик, сарафан, юбка, курувчиларга қўлқоп, токарларга дастгоҳ артувчи материал тайёрлаш мумкин. Мана, фабриканинг асосий участкалари янги корпусга кўчди. Аввалги биноларнинг бирини кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга мослаштирамиз. Тикув машиналаримиз истаганча бор.

Улар бундоқ ўйлашса, директор ҳақ гапни айтяпти. Нега энди бу фикр бош инженер ёки технологдан чиқмади? Бичиқчилик цехининг бошлиғи қаерда эди? Ҳозир бу ҳақда мушоҳада қилишнинг пайти эмас эди. Бу фикр инженерлик соати жараёнида туғилгани ҳақ. Директор ҳамманинг фикрини эшитди, улар ўзларининг мулоҳазалари билан Мастура Алижоновнанинг орзуларини тиниқлаштирдилар, таклифлар билан бойитдилар. Шу кунги юриш лахтак тўпланадиган жойдан бошланиб, кутлуғ бир ниятнинг туғилиши билан хотималанди.

...Мастура Алижоновнанинг ташвишлари кўп. Фабриканинг Шаҳрихон, Хўжаобод ва Луғумбекда филиаллари очилиб, у бирлашмага айлантирилди. Яна филиал очиш керак. Жалолқудуқ районидаги К. Маркс номли колхоз раиси У. Тешаева билан колхозда ташкил этилган филиал хусусида суҳбатлашиши лозим. Андижон шаҳар партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини бирлашмага таклиф этмоқчи. Уларнинг ишчилар билан учрашуви турмуш, уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг пухта бажарилишига ёрдам бериши аниқ. Бирлашма маҳсулотларини олаётган савдо базаларига мутахассисларни бириктириб қўйишни таклиф этган эди. Унинг самараси яхши бўлмоқда. Харидорларнинг эҳтиёжи изчил ўрганилиб, маҳсулот сифатига эътирозлар камайди. Уларнинг фикрларини эшитиб, умумлаштириш пайти келди.

ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб фабрикага оддий нормаловчи бўлиб келган Мастура энди бирлашманинг бош директори. Бош директорнинг эса ташвишлари бир олам. Бу ташвиш уни изланишга, эл манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиб ишлашга даъват этмоқда. Бу даъват коммунист, Андижондаги Володарский номли тикувчилик бирлашмаси бош директорининг ҳаёт дафтарини сермазмун қилмоқда.

**Муқимжон НИЁЗОВ.**

# Чет элларда

**ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР**

## Бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан

Мехикода нуфус масалаларига бағишланган жаҳон конференцияси ўтмоқда, унинг ишида 150 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи қатнашмоқда. Мексика пойтахтидаги анжуман ер куррасидаги аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп муаммоларни муҳокама қилмоқда. Ер юзининг аҳолиси ҳозир 4,7 миллиард кишига етди ва келгуси асрнинг бошларида 6 миллиард кишидан ошиб кетиши тахмин қилинмоқда.

СССР Министрлар Советининг конференция қатнашчилари номига йўллаган табрикномасида айтилганидек, ҳозир инсоният олдида социал-иқтисодий, демографик, экологик характердаги ялпи муаммолар кўндаланг бўлиб турибди, бу муаммоларни амалий равишда ҳал қилиш учун дунёдаги жамики моддий ва интеллектуал ресурсларни ишга солиш лозим. Мустамлакачилик ва империалистларнинг эксплуатацияси оқибатлари азоб-уқубатларни шу пайтгача ҳам тортиб келаётган ривожланаётган мамлакатларда салкам 570 миллион киши ночор яшаётганини, катта ёшдаги 800 миллион саводсиз борлигини, 250 миллион бола мактабга қатнаш имкониятидан маҳрум эканини, 1 миллиард 500 миллион киши медицина хизмати нималигини билмай келаётганини айтиш кифоя.

Ривожланаётган бир қанча мамлакатларнинг вакиллари конференция минбаридан сўзга чиқиб, йирик капиталистик давлатларнинг, аввало АҚШнинг янги мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид қилдилар, бу сиёсат мазкур мамлакатлардаги социал-иқтисодий муаммоларни баттар кескинлаштиришга олиб бораётганлигини айтдилар. Бунинг устига тажовузкор империалист доиралар авж олдириб юборган қуролланиш пойгасининг янги даврасида дунё халқларининг гарданига тобора оғир юк бўлиб тушмоқда, халқаро иқтисодий муносабатларнинг бузилиши ва беқарорлиги кучайишига олиб бормоқда. Бу муносабатларни одилона ва демократик негизларда қайта қуриш истиқболларини ёмонлаштирмоқда.

ШУ КУННИНГ МАВЗУИДА

БМТнинг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳарбий мақсадлар учун қилинаётган харажатлар Африка ва Лотин Америкасидаги барча мамлакатларнинг жами ялпи ички маҳсулоти миқдорига тенг келади. Ҳозирги вақтда ҳарбий мақсадлар учун атиги бир кунда сарфланаётган маблағ ёрдамида ер юзида безгак дардини бутунлай тугатишга оид йиллик программа харажатларини тўлаш мумкин бўлур эди. Ҳар беш соатда бутун дунёда ҳарбий тайёргарликлар учун бўлаётган чиқим болаларга ёрдам бериш программалари фондининг бутун йиллик бюджетини ташкил этадиган миқдорга , етмоқда.

Совет ҳукумати Мехикодаги конференциянинг қарорлари бунёдкорлик, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадларига эришишга, социал-иқтисодий тараққиётни таъминлашга кўмаклашади, деган умид билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, инсониятни уруш хавфидан халос қилиш учун курашни кучайтириш зарурлигини таъкидламоқда. Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун, ҳамма кишиларнинг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш учун давлат ва жамоат арбобларининг, олимларнинг обрўэътиборидан фойдаланиш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир, дейилади СССР Министрлар Советининг табрикномасида.

**Г. ШИШКИН,**
**(ТАСС).**

## ЭКВАДОРНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

КИТО. Бу ерда миллий конгрессда (бир палатали парламентда) Эквадор республикасининг янги президенти Леон Фебрес Кордеронинг ўз лавозимига киришиш тантанали маросими бўлди. Маросимда ҳозир бўлган чет эл делегациялари орасида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ғ. Паллаев бошчилигидаги СССР делегацияси бор эди.

Л. Фебрес Кордеро маросимда нутқ сўзлаб, жаҳондаги барча мамлакатлар билан бир-бирларининг ишларига аралашмаслик, миллий суверенитетни ҳурмат қилиш ва низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш принциплари асосида муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш ниятида эканлигини айтди.

Президент ички сиёсат соҳасида менинг ҳукуматим мамлакат олдида турган жиддий иқтисодий ва социал проблемаларни реал имкониятлар ва вазиятга амал қилиб ҳал этишга интилади, деди. Айни пайтда Л. Фебрес Кордеро табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид тадбирлар қабул қилиш зарурлигини айтди.

Президент тантанали маросим тугагандан кейин ҳукумат тузиш тўғрисидаги декретни имзолади. Луис Роблес Пласа ички ишлар министри, Эдгар Теран ташқи ишлар министри, дивизия генерали Луис Пинейрос Ривера миллий мудофаа министри этиб тайинландилар.

## ЗАНУ—ВФ СЪЕЗДИ

ХАРАРЕ, 13 август. (ТАСС). Бу ерда Зимбабве — африкаликлар миллий иттифоқи — ватанпарварлик фронти (ЗАНУ—ВФ) нинг II съезди ўз ишини тамомлади. Съезд ишида барча вилоят партия ташкилотларидан 6000 дан кўпроқ делегат, бир қанча коммунистик ва ишчи партияларининг, Африка мамлакатларидаги сиёсий партияларнинг делегациялари, миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари иштирок этдилар. Съездда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитети раисининг ўринбосари М. А. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегацияси ҳозир бўлди.

Анжуман қатнашчилари ЗАНУ—ВФ Марказий Комитетининг ҳисобот докладини муҳокама этдилар. Ҳисобот докладида социал-иқтисодий ривожланиш соҳасида келгусидаги ҳаракат программаси белгиланган. Анжуманда қабул қилинган уставда Зимбабве республикасининг социалистик йўлни танлаб олганлиги мустаҳкамланади. ЗАНУ — ВФ партиясининг мақсади — марксизм-ленинизм принципларига асосланган давлатни барпо этишдан иборатдир. Шу вазифани амалга ошириш йўлида экономикани тубдан қайта қуриш мўлжалланмоқда, бу эса социализмнинг капитализм устидан ғалаба қозонишини таъминлайди. Устав партияни Зимбабве халқининг миллий ривожланишида раҳбар сиёсий авангард деб таърифлайди.

Съезд делегатлари ўзларининг муҳокамасига тақдим этилган резолюцияларни маъқулладилар.

Съездда партиянинг раҳбар органлари — 90 кишидан иборат Марказий Комитет ва 15 аъзодан иборат сиёсий бюро сайланди. Партия президенти Р. Мугабе биринчи секретарь сифатида сиёсий бюрога бошчилик қилди.

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА



**● ЧССР. Автомобилсозлар «Татра-815» юк машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Бундай машиналар ўз ўтмишдошидан фарқ қилиб, мураккаб шароитда ҳам юқори унум билан ишлайди. Суратда: янги юк машинасини монтаж қилиш пайти.**

**● БХР. Козлодуеда СССР, Венгрия, ГДР, Польша, ЧССР ҳамда Болгария мутахассислари томонидан янги атом электр станцияси барпо этиляпти. Суратда: атом электр станциясининг машина зали.**

ЧТК—ТАСС ва БТА—ТАСС фотолари.



## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АРХЕОЛОГИЯ
**ҚАДИМИЙ ЖАНГ АРАВАЛАРИ**

**● Йоркшир шаҳри (Шимолий Англия)да тупроқ қазиш ишлари вақтида икки ғилдиракли жанг араваси қолдиқлари топилди. Бу аравалар тахминан 2 минг йил муқаддам тайёрланган.**

**Бу топилма Британия музейи ходимларини қизиқтириб қолди. Уларнинг илтимосига кўра, топилма чиққан жой қатъий текширишдан ўтказилади. Текшириш ишлари олиб бориладиган жой ҳарбий қисмларнинг муҳофазасига топширилди.**

ФАКТНИНГ ЎЗИ
**ЁЗУВЧИ ХОТИРАСИ**

**● Испания адабиётининг етук намояндаси Висенте Бласко Ибаньес (1867—1927 йил) туғилиб ўсган ва вояга етган Валенсиядаги уйда таъмирлаш ишлари бошланади. Бу уй Ўрта ер денгизининг бўйида жойлашган.**

**Ёзувчи ўзининг дастлабки романини шу ерда ёзган. 17 ёшида Мадридга йўл олган. Пренса Латина агентлиги мухбирининг хабарига кўра сақланиб, қолган уй ёзувчи музейи бўлиб қолади.**

ТАБИИЙ ОФАТ
**КУЧЛИ ТОШҚИН**

**● Бразилияда жала ёмғири келтириб чиқарган кучли сув тошқинлари давом этмоқда. Санта-Катарина штатининг ўзидагина табиий офат натижасида юз мингдан кўпроқ киши бошпанасиз қолган.**

## СУД ИШИ ТУГАДИ

КОБУЛ. АДРнинг махсус революцион трибуналида каллакесарлар шайкасининг бошлиғи Қуддус ва унинг шериклари иши юзасидан очиқ суд тугади. Суднинг 4 мингдан ортиқ киши қатнашган очиқ мажлислари давомида афғон халқига қарши қонли ёвузликларни амалга оширишда бандитлар айбдор эканлиги рад этиб бўлмайдиган тарзда исботланди. Текширув натижасида тўпланган ҳужжатлар ва юзлаб гувоҳларнинг кўрсатмалари Қуддус тўдаси эрон реакцион доираларининг йўл-йўриғи билан иш кўрганлигидан далолат беради. Қуддус беш йил Эронда яшаб, «жамияти исломи» кўпорувчи ташкилотидаги афғон босмачилари тўдаси билан иш юритиб, АДР территориясида террорчилик ишларини амалга ошириш учун тайёргарлик кўрган. У Афғонистоннинг Балх вилоятига кириб, одамларни ўлдириш, уйлар ва биноларга ўт қўйиш, қароқчилик билан шуғулланган.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, Қуддус ва унинг 14 нафар шериги ўз жиноятлари учун ўлим жазосига ҳукм қилинди. Каллакесарлар тўдасининг 21 аъзоси беш йилдан 20 йилгача муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этилди. (ТАСС).

ОЛИМПИАДА — 84

# КИМНИНГ ФОЙДАСИГА?

### ЎЗГАЧА ТАРИХДА

● Олимпиада ўйинларининг рамзи беш ҳалқа туширилган байроқ икки ҳафта мобайнида Лос-Анжелесда ҳилпираб турди. Бу байроқнинг рамзий белгиси шундаки, у беш қитъа спортчиларини мусобақага чорлайди. Чаққонлик ва маҳорат, ғолиблик ва дўстлик бу мусобақанинг ҳаққоний шиоридир. Аммо Калифорния бўйлаб «сочиб юборилган» турли спорт иншоотларида давом этган беллашувларнинг тарихи ўзгача бўлди.

XXIII ёзги Олимпиада ўйинлари унинг тарихига кутилмаган натижалар билан кириши шубҳасиздир. АҚШда ўтказилган ёзги Олимпиадада жаҳоннинг энг кучли спортчилари — СССР, ГДР ҳамда бошқа социалистик давлатларнинг командалари иштирок этишмади. Мусобақанинг ҳар бир босқичида «Америкадан яхшироқ мамлакат йўқ» деган ғоя тиқиштирилди. Пировард натижада Олимпиадада шовинистик муносабат юзага келтирилди. Мусобақаларда нотинчлик, судьяларнинг бемаъни ҳатти-ҳаракатларини айтмайсизми? Бу ҳаракат халқаро жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланди.

### «ЭРКИН ДУНЁ» НАМОЙИШИ

● Мусобақалар тугади. Унинг иштирокчилари ўз мамлакатларига қайтиб кетишади. Хўш, XXIII ёзги Олимпиада ўйинлари уларнинг ҳаётларида қандай ўрин қолдирди? Мусобақа ғолибларининг таъкидлашича, Лос-Анжелесдаги Олимпиадада зўравонлик, дўқ-пўписа ва андишасизлик ҳолатлари яққол кўзга ташланди. Майдон эгалари эришган ҳар бир ғалаба зўр бериб бўрттириб кўрсатилса, бошқа мамлакатларнинг спортчилари эришган ютуқ рўйхатларга киритилди, холос. Маҳаллий газеталардан бири сурат босиб чиқарди: чим устида хоккей ўйини вақтида америкалик спортчи тўпни эмас, ўз рақибини «нишонга» олмоқда. Қўлидаги спорт анжоми билан ўз рақиби бошига урмоқчидек бўлиб турибди. Бу манзарани қандай баҳолаш керак? Ахир, Олимпиада халқлар ўртасидаги дўстликнинг ҳақиқий рамзи-ку!

Маҳаллий матбуот, радио ва телевидение эшиттиришларида Олимпиада ўйинлари кенг ёритилди. Хорижий мамлакатлардан келган шарҳловчилар, спорт делегацияларига етарлича имконият яратилмади. Хуллас, Лос-Анжелес Олимпиадасида «Эркин дунё» ва капитал дунёси ўз-ўзини намойиш этди. Капитал эгалари Олимпиада ўйинларидан фойдаланиб, ўз маҳсулотларини ўтказишга уриниб кўришди. Олимпиада учун сарфланган маблағни қоплаш унинг эгаларининг диққат-эътиборида турди.

### РЕКОРДЛАР ҚУВОНАРЛИМИ?

● Олимпиада байроғи туширилди. Америкалик ишбилармон кишилар ва сиёсатчилар бир зум нафас олиб, яна ҳисоб-китобга киришишмоқда: қанча фойда олинди?! Мусобақа қатнашчиларининг аксарияти Олимпиада ўйинларидан қониқиш ҳосил қилмаганликларини тез-тез такрорламоқдалар.

Москва Олимпиадаси билан Лос-Анжелесда ўтказилган Олимпиада ўйинлари ўртасидаги фарқни рақамлар ҳам исботлаб турибди. Тўрт йил муқаддам спортчилар мусобақалар давомида 36 та жаҳон ва 74 та Олимпиада ўйинлари рекордларини ўрнатишган эди. Бу сафар 11 жаҳон рекорди, 45 Олимпиада ўйинлари рекорди қайд этилди.

**Ҳ. СУЛТОНОВ.**

